

8 МАРТ – Халқаро хотин-қизлар куни муборак бўлсин!



Tibbiyotning oliy maqsadi - inson salomatligiga erishishdir

№4
(1490)
2024-YIL
29-FEVRAL

O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА



↑
t.me/o'zbekistondasog'liqni saqlash

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA ♦ 1995-YIL OKTABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

АЁЛ – ЖАМИЯТ КЎЗГУСИ, МИЛЛАТ ТАРБИЯЧИСИ



Аёл – жамият кўзгуси, миллат тарбиячиси.

Унинг меҳр-муҳаббати келажакимиз эгаларининг жонажон Ватанимиз равнақи ва осоишталиги, халқимиз фаровонлиги йўлида садоқат билан хизмат қиладиган баркамол инсонлар сифатида вояга етишида муҳим омил ҳисобланади.

Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганидек, ҳар қандай жамият ва давлатнинг қай даражада халқпарвар ҳамда адолатли экани унинг хотин-қизларга бўлган муносабати ва ғамхўрлиги билан

белгиланади. Шу маънода, сўнгги пайтларда Ўзбекистонда хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Юртимизда “Аёл бахтли бўлса, жамият бахтли бўлади”, деган эзгу ғояни ҳаётимизнинг кундалик қоида-қонунга айлантириш, опа-сингилларимиз, қизларимиз, мўтабар оналаримизга муносиб шароит яратиб бериш “Инсон қадрини учун” тамойилнинг амалдаги ифодаси ҳисобланади.

Мамлакатимизда хотин-қизларга берилаётган эътибор туфайли ҳар бир соҳада уларнинг ўрни, улуши ортиб бормоқда. Қўлга киритилаётган ютуқлар, эришилаётган ғалабалар – ана шу эътибор маҳсули. Жумладан, тиббиёт соҳасида меҳнат қилаётган фидойи аёллар меҳнатини ҳар қанча эътироф этсак, шунча камлик қилади. Улар бугун жуда фаол, меҳнатсевар ва касбига садоқатли.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимиз аёлларини 8 март–Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий табриклаймиз!

ДИЛЛАРДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

АЁЛНИНГ ҚУДРАТИ- МАТОНАТ ВА ШИЖОАТДА

Аёлнинг нафосати, ифти ва қудрати – унинг энгилмас иродаси, қатъий ҳаёт йўли ва жамиятдаги фаол ўрнидир. Ҳа, аёл бу она, севакли ёр, жамоада раҳбар. Бу каби эзгу фазилатларни ўзида муҳасам этган хотин-қиз борки, уларнинг барчаси ана шундай ҳурмат эътибор ва эҳтиромга сазовор. Чунки, бугунги тараққиёт даврида, ижтимоий фаол ҳаётимизнинг бирор кунини аёлларсиз тасаввур этиб бўлмайди.



Дарҳақиқат, бугунги кунда қайси бир соҳани олмайлик, уларнинг ҳаммасида хотин-қизларимизнинг фаол меҳнат қилаётганини кўраемиз. Айниқса, биргина тиббиёт соҳасини оладиган бўлсак, мазкур тизимда ҳам кўплаб оналаримиз, опаларимиз ва меҳрибон сингилларимиз халқимиз саломатлиги йўлида астойдил меҳнат қилиб келмоқдалар. Ана шундай ҳаёт ва умр фаолиятини тиббиётимиз равнақи ва истиқболи учун бахшида этаётган, бебаҳо вақтини ва соғлигини аямасдан эл саломатлиги йўлида беназир хизмат қилиб келаётган шижоатли хотин-қизларимиз меҳнатини қанчалар эътироф этсакда, озлик қилади. Меҳнатлари таҳсинга лойиқ ва элимиз дуосига мушарраф бўлган ҳамда 50 йил мобайнида халқимиз саломатлигини асрашдек хайрли ишларда фидойиларча меҳнат қилган камтарин ва самимий оқ халат соҳибаларидан бири Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бошқармаси тассаруфидаги 51-оилавий поликлиника бош шифокори Гўзал Ибрагимовна Қодировадир.

Юртимизга кириб келаётган гўзаллик ва нафосат элчиси бўлган баҳор байрами ҳамда 8 март халқаро хотин-қизлари куни арафасида ўз касбининг садоқатли инсони бўлган Гўзал Қодированинг фаолият йўлларига назар ташлашни жоиз деб билдик.

Гўзал Ибрагимовна 1951 йил Тошкент шаҳрида зиёлилар оиласида таваллуд топган. Ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлаб, Тошкент педиатрия тиббиёт институтига ҳужжатларини топширди. 1974 йилда мазкур институтнинг педиатрия факультетини тугатди.

Давоми 4 ва 5 – бетларда ▶

Бугунги саҳифаларимизда мамлакатимиз тиббиёт соҳасида меҳнат қилиб, ўз ютуқлари билан оила ва жамиятда ўз ўрнига эга бўлиб келаётган хотин-қизларимиз ҳақида хикоя қиламиз.

ИЛК ЧИН МУҲАББАТИМ ОНАМ БЎЛАДИ

Йўлим ёритгувчи ёрқин юлдузим,
Меҳридан нурафшон кеча кундузим,
Дунёга келиб, очганда кўзим,
Илк чин муҳаббатим, онам бўлади.
Жой олган қалбимни чуқур тўридан,
Куч олиб улғайдим, меҳр нуридан,

Қалбим қувонади, бари баридан,
Илк чин муҳаббатим онам бўлади.
Дунёлар ичида тенгсиз қимматим,
Юракда жўшади, чексиз хурматим,
Топилмас бойлигим у ғаниматим,
Илк чин муҳаббатим, онам бўлади.

Ҳокисор фариштам, хўп чиройлигим,
Меҳри тошқин дарё каби сойлигим,
Дунёда ягона тенгсиз бойлигим,
Илк чин муҳаббатим, онам бўлади.
Мархабо КАРИМОВА,
Қашқадарё вилояти.

ЭЛ ДУОСИГА МУШАРРАФ БЎЛИШДАН ОРТИҚ БАХТ БОРМИ?

Шифокорлик касбини эгаллаш кўпчилик қизларнинг орзуси. Чунки ушбу касб қанчалик машаққатли бўлмасин, инсонлар кўнглига йўл топиб, уларнинг олтидан қиммат соғлигини тиклашда ўрни беқийс. Шундай орзулар ортидан шифокорлик касбини танлаб эл олқишига сазовор бўлган аёлларимиздан бири Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туман тиббиёт бирлашмасининг ички касалликлар бўлими мудури, кардиолог-шифокор Айгул Жарилқасиновадир.

лог шифокор бўлиб ишлашдан бошлади. Оиладаги шифокорлик муҳит ва талабалик йилларидаги тиришқоқлик орқасидан рус ва инглиз тилларини ўзлаштирган Айгул тиббиётдаги энг сўнгги янгиликларни иш жараёнига тадбиқ этишга киришди. Айниқса, ҳар бир беморни чуқур таҳлилдан ўтказиб, унинг касаллигига қараб индивидуал ёндашиши сабабли кўплаб касалликларни да-



волай олган ёш шифокор киска фурсатда халқ орасида обрў қозонди. Ҳатто, тумандаги ёши каттаю-кичик «фақат Айгул врачга кўринаман, ундан даво-муолажаларини оламан» дея навбатга турувчилар кўпайди. Айгул эса билимига яраша хушмуомалалиги, касбий этикаси сабабли беморлар кўнглидан чуқур ўрин эгаллай бошлади. Билим ва кўникмаларини такомиллаштириб боришни ўз фаолиятининг ажралмас қисми деб биладиган Айгул Жарилқасинова кардиологик ва терапевтик илмий-амалий конференцияларга, малака ошириш семинарларига фаол қатнашди. Ўз туғишган опалари Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 7-сон оилавий поликлиникасининг оилавий шифокори Гулистон Давлетова, Қорқалпоғистон республикаси Ногиронларни реабилитация

волай олган ёш шифокор киска фурсатда халқ орасида обрў қозонди. Ҳатто, тумандаги ёши каттаю-кичик «фақат Айгул врачга кўринаман, ундан даво-муолажаларини оламан» дея навбатга турувчилар кўпайди. Айгул эса билимига яраша хушмуомалалиги, касбий этикаси сабабли беморлар кўнглидан чуқур ўрин эгаллай бошлади. Билим ва кўникмаларини такомиллаштириб боришни ўз фаолиятининг ажралмас қисми деб биладиган Айгул Жарилқасинова кардиологик ва терапевтик илмий-амалий конференцияларга, малака ошириш семинарларига фаол қатнашди. Ўз туғишган опалари Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 7-сон оилавий поликлиникасининг оилавий шифокори Гулистон Давлетова, Қорқалпоғистон республикаси Ногиронларни реабилитация

қилиш ва протезлаш марказининг невропатолог шифокори Гўзал Давлетова, синглиси Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази шифокори, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори Меҳрибан Давлетова ва укаси Қорақалпоғистон республикаси У. Халмуратов номидаги кўп тармоқли тиббиёт марказининг невропатолог шифокори Азамат Давлетовлар билан тиббиёт бўйича фикр ва тажриба алмашишлари Айгулни янада тиббиёт соҳасида билим ва тажрибаларини янада бойитди.

«— Айгул Жарилқасинованинг касбига бўлган садоқати билан эл назарига тушди. Туман шифохонасига келган бемор иложи борича шу шифокорга кўрингиси келади, — дейди биз билан суҳбатда бўлган беморлардан бири Нурия Ҳақимова. — Чунки, Айгул бошқа врачларга ўхшаб фақат дори ёзиб бермайди. Қаршисидаги беморни ёши, индивидуал

ҳолати ва касаллик тарихини чуқур ўрганади ва шундан кейингина маълум дориларни ёзиб беради. Керак бўлса, халқ табобатига мурожаат қилади. Касал бўлмаслик ва профилактика жараёнлари, диета сингари нарсаларни ҳам батафсил тушунтиришдан чарчамайди. Шунинг учун, биз беморлар Айгул врачни яхши кўраемиз». Ҳа, ҳақиқатдан ҳам «Айгул врач» номи унга оқ ҳалати каби мос. Қарийб етти йилдан буён Нукус туман тиббиёт бирлашмасининг ички касалликлар бўлими мудури бўлиб ишлаётган Айгул Жарилқасинованинг эл олдидаги фидойилиги жавобсиз қолмади. Тажрибали шифокор, ўзининг ҳалол меҳнати билан эл дуосига мушарраф бўлган Айгул Жарилқасинова 2023 йилда «Тиббиёт ходимлари кунини» муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълоҳисси» кўкрак нишони билан мукофотланди.

Бу мукофотни биз унга бериладиган яна кўплаб орден-медалларнинг, мукофотларнинг дебодчаси сифатида биламиз. Ва эл ардоғидаги шифокорнинг фаолиятига катта муваффақиятлар тилаган ҳолда 8-март — «Халқаро хотин-қизлар байрами» билан чин юракдан табриклаймиз!

Мухаммеддин БАВЕТДИНОВ,
журналист.

Айгул Жарилқасинованинг шифокорлик касбига бўлган меҳри оиладан бошланди. Сабаби, у шифокорлар оиласида туғилиб камолга етди. Ёшлигидан отаси раҳматли оторинолоринголог шифокор Жарилқасин Давлетов ва онаси раҳматли терапевт шифокор Гулзархан Мамекевалар касбига ҳавас ва қизиқиш би-

лан катта бўлган Айгулни тақдир йўли 1998 йили Тошкент давлат педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиалига бошланди. 2005-2007 йиллари эса мазкур олий таълим муассасасининг кардиология мутахассислиги бўйича клиник ординатурасини олий баҳога тугатди ва иш фаолиятини ўзи туғилиб ўсган Нукус туман тиббиёт бирлашмасида кардио-

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

"Бухорода давлат тилига оид қонунчиликка амал қиладиган ташкилот" танлови ўтказилди. Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази Бухоро вилояти ҳудудий бўлини масида "Давлат тилига оид қонунчилик ҳужжатларига амал қилувчи энг намунали ташкилот", "Давлат тили ва унга оид қонунчилик ҳужжатлари билимдони" танловлари натижалари эълон қилинди.

Кунини кеча "Халқаро она тили кунини" муносабати билан мазкур танловлар ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбир аввалида сўзга чиққан Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази директори И. Азимов, "Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси" раҳбари А.Эминов,

вилоят ҳокимининг давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Рустамов давлатимиз раҳбари томонидан сўнгги йилларда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мавқеини ошириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг моҳияти, ташкил этилган ушбу танловнинг тилимиз ривожини, давлат идоралари ходимларининг давлат тили саводхонлигини

ошириш, ташкилотларда иш юритишдаги хато-камчиликларни бартараф этишдаги аҳамияти хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

"Давлат тилига оид қонунчилик ҳужжатларига амал қилувчи энг намунали ташкилот" танлови натижаларига кўра:

1-ўрин Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига, (Жамоатчилик билан ишлаш бўйича шўъба раҳбари Маъмурахон Сафоева тақдирланди)

2-ўрин Мактабгача ва мактаб таълими бошқармасига, **3-ўрин** эса Бухоро халқаро аэропортига насиб этди.



Фахр айтиш жоиз керакки, 70 дан ортиқ ташкилотлар орасида Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг 1-ўринга муносиб деб топилиши бу албатта, эътирофга лойиқдир.

Бухоро вилоят ҳокимлиги матбуот хизмати.

ГАП ШИЖОАТ ВА ИНТИЛИШДА

Ўзининг кўп йиллик меҳнатлари билан халқимиз саломатлиги йўлида фидойиларча хизмат қилиб келаётган хотин-қизларимиз кўпчиликини ташкил этади. Ана шундай меҳнатсевар, ўз касбининг моҳир устаси Муҳаббат Ҳамроева Навоий вилояти, Нурота туман тиббиёт бирлашмасида фаолият юритиб келмоқда. Кўнглимдан ўз касбининг жонкуяри, пенсияда бўлсада нуроталиклар соғлигини асрашдек масъулиятли вазифани зиммасига юклар хизмат қилаётган она ҳақида ёзмоқ фикри кечди ва у кишининг иш хонаси томон йўл олдим.

-Уйда ўтирсам ҳам бўларди. Биз, пенсионерларга давлатимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратилган. Бирок, ишга келиб, бир кишига ёрдамим тегса, яхшилик қила олсам бошим осмонга етади. Қўлдан келгунча яхшилик қилишга не етсин,- деди 43 йилдан буён ревматолог врач бўлиб меҳнат қилиб келаётган Муҳаббат Ҳамроева муддаомизни аниқлаётган.

Шу лаҳза опага шошилишча хабар келди. "Ўзр, ўн дақиқа", дея бизни хонасида қолдириб чиқиб кетди. Опанинг ёрдамчиси - ҳамшира Гулноза Қодировага юзландик.

-Тугруқхонадаги беморнинг ахволи оғирроқ экан, шунга чақиришди, -дилимиздаги гапни уққандек жавоб берди Гулноза.

"Ўн дақиқа"ларнинг бир икитасини ўтказиб опа келди. Сухбатимиз давом этди.

Эпидемия, пандемия - қайси вақт, қайси замон бўлсин, инсон бошига қулфат ёғдиради. Узокқа бормайлик, "Kovid - 19" турли кўринишлари билан ҳамон дунёни ларзага солмоқда, қанчадан-қанча юртдошларимиз умрига зомин бўлди. 1959 йилда тарқалган қорин типли эпидемияси ҳам ана шундай оғир кечди. Касаллик уч норасида гўдакни чиркиратиб Мақсадой онани олиб кетди. Оширой 8 ёшда, Муҳаббат 3, Мукаррам 1,5 ёшда онадан етим қолди.

"Етимлик нимадир биздан сўранг", деганди шоир. Ҳа, етимлик ҳеч кимнинг бошига

тушмасин. Биз унинг нималигини бошимиздан ўтказдик. Боласини эркалаб опичлаган, қўлдан ушлаб меҳр туйғулари билан етаклаган, чиройли-чиройли кўйлақчалар кийдириб, қўлига қўғирчоқларни ўйнатиб қўйган ҳолатларни тасаввур қилинг. Шу лаҳзаларда қайси бола онасини кумсамайди, дилдан фарёд чекмайди, - опанинг кўзлари ёшланди. - Хайриятки, бошимизни силайдиган отам Ҳамро Тошев, Хайитгул бувижоним, опам бор эди...

Муҳаббат оилавий кийинчиликларга қарамай бор меҳрини мактабга, билим олишга қаратди. Ўзига топширилган уй юмушларидан бўшади дегунча китобга ошно тутинди, ўқиди, ўрганди. Бувисидан ҳаёт сабоқларини олди. Ниҳоят дилига туккан қатъий орзуси сари одим ташлади. Самарқанд давлат тиббиёт институти даволаш факультетига ўқишга кирди. Тақдирни қарангки, синглиси ҳам шифокорликни танлади. Ҳа, уларнинг қалбидаги алам, ўқинч - касаллик билан курашишга, одамларнинг соғлигини асрашга ундагани аниқ.

Муҳаббат учинчи, синглиси биринчи курсда ўқиб юрган кезларида яна бошларига оғир жудолик тушди - оталаридан айрилишди. Яна тушқунлик, яна қийин ҳаёт. Муҳаббат ёшлиқдан кийинчиликка, бошлаган ишини охиригача етказишга ўрганганлиги, ҳаёт уни чиниктирганлиги сабаб чекинмади. Бувижониси,

опаси далда бўлди, қўллаб-қувватлаб туришди.

-Оллоҳга шукур. Қанча кийинчиликлар, кингирликларни гўёки чангалзор ичидан йўл топгандек енгиб ўтдик. Гап инсонда шижоат ва интилиш, аниқ мақсад, қалб поклиги, ният неклиги мужассам эрса йўлинг очик бўларкан, - опа маҳзун сўзлади. Гап оҳангида эса қатъийлик яққол сезиларди. - Институтни тугатиб, Каттақўрғон шаҳрида интернатурани ўтадим. Ўтган асрнинг 80-йилдан тугилиб ўсган маконимда иш бошладим. Шу кезларда бўлиб ўтган ҳаётимда ўчмас из қолдирган бир воқеа кўз ўнгимдан ҳеч кетмайди. Ўшанда оғир аҳволда келган онанинг юрагини операция қилиш, боласини олиб ташлаш керак эди. Шароит мутлақо йўқ. Узок шифохоналарга етказиш ҳам имконсиз. Шифокорлар малакаси ҳам ўзига яраша. Тўрт томонга югурдик, қўлимиздан келганини қилдик. Аёл кўз ўнгимизда жон берди. Она ўлимини кўриш мен учун нақадар оғир эди. Қарангки шу даврда ҳаттоки қоннинг ивиши тезлигини ўлчайдиган аппарат ҳам йўқ эди. Бугун бор, беш лаҳзада ўлчаб беради. Вилоят, ҳаттоки туман марказларидаги шифохоналарда юрак, буйрак, жигар билан боғлиқ оғир жарроҳлик амалиётларини бажариш учун барча шароит, замонавий тиббий асбоб-ускуналар муҳайё этилган. Президентимизга раҳмат, инсон соғлиги йўлида кўрсатилаётган ғамхўрлиги учун, яратиб бераётган барча имкониятлар учун.

Ўша воқеадан сўнг оналар ва болалар соғлиги муҳофазасини кучайтириш мақсадида туманда малакали шифокорлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди. Беш нафар шифокор Киевга, бир нечаси Тошкент шаҳрига малака оширишга юборилди. Муҳаббат ҳам ўқиб изланди, малакасини оширди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач оналик ва болалик муҳофазаси давлат даражасига кўтарилгани, туманда тугруқ комплекси барпо



этилгани туманда ишлар ижобий томонга ўзгарди. Биз ҳикоя қилаётган шифокор ҳаёти ҳам оналар ва болалар соғлигини асраш билан чамбарчас боғланди. Ҳозир ҳам аёллар маслаҳатхонасида маслаҳатчи-шифокор.

-Касбимизда "касал - врач - касаллик" ибораси мавжуд. Касаллик - жон офати, уни енгиш учун врач-шифокор билимдон, ташхисни ўта тўғри қўя билиши, касал-бемор эса кўрсатмаларга амал қилибгина қолмай ихлос қилиши муҳим. Шифокор ҳам касбига ихлос билан ёндошиши шарт, - дея сўзида давом этди ҳам сухбатимиз.

Муҳаббат Ҳамроева ҳамиша эл орасида бўлди. У халқ депутатлари туман кенгазининг 2 чакриқ депутати сифатида ҳудуд ободлиги, равнақи муносиб хизмати сингди. Маҳаллада ҳам, тиббиёт бирлашмасида ҳам жамоат ишларида фаол. Қўллаб-қувватлагани ўзи билан ёнма-ён эл хизматида, эътирофга сазовор

бўлишмоқда. Фидойи шифокорнинг меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У I даражали "Соғлом авлод учун" ордени соҳибаси.

-Мен ҳаётимдан розиман. Инсон қилиб яратганига, шифокор деган касбга мушарраф бўлганимга, оналик бахтига эришганимга шукур. Мустақиллик ҳаётимда эришган барча муваффақиятларимнинг бош мезони бўлди десам ҳақиқат. Оллоҳ менга Акмал Тўйкуловдек умр йўлдош, Валижон, Нилуфар, Нодир, Ўзозадек ажойиб фарзандлар ато қилди. Беш нафар неваранинг бобошониси, бувижонисимиз... Кечагина фарзандларим билан республика Президентини сайлашдек шарафга мушарраф бўлиб, юртимиз истиқболи, халқимиз фаровонлиги йўлида жон куйдириб хизмат қиладиган муносиб номзодга овоз бердик. Шу кунга етказганига ҳам шукур.

Дарҳақиқат, она бугун ҳам бир яхшиликка қўл урди: онанинг ҳам, боланинг ҳам соғлиги асраб қолинди. Шогирду ҳамкасблари қатори унинг кўнгли таскин топди, ўзи айтганидек "боши осмонда". "Одамлар раҳмат демасаларда оқ халатга садоқат кўрсатиб ишлашнинг ўз бахти, раҳмати бор", дея қахрамонимиз айтган гап шифокорнинг чехрасидаги қувончда ўз аксини кўрсатиб турганлиги ҳам бор ҳақиқат. Ҳамиша кунингиз яхшиликка, ҳаётингиз бахтга эш бўлсин, устоз шифокор.

Иброҳим ЖУМАЕВ,

Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси.

ИЛМЛИ АЁЛ - ЖАМИЯТ КЎЗГУСИ

Ҳаётимиз асоси, кўрки ва миллатимиз келажаги аёл бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Бугунги кунда ўз ақли, билими ва истеъдоди, меҳнатсеварлиги ва шижоати билан ҳаётнинг ҳал қилувчи соҳаларини тебратиб, бу оила бекалиги бўладими, жамият ва давлат бошқаруви, маданият ва илм-фан тараққиёти бўладими, кичик бизнес тадбиркорлик бўладими мана шундай мураккаб вазифаларни аёллар самарали адо этиб келмоқдалар. Бугунги кун аёлининг илми иқтидори, заковати, ижодкорлиги, яратувчанлиги дунёни яна бир қарра лол қолдирмоқда.

Аёл-ғўзаллик ва муҳаббат тимсоли. Унинг меҳр-муҳаббати навниҳолларни, эртағамиз эгаларининг униб-ўсишига, камол топишига сабаб бўлади. Аёл бахтли бўлса, жамият бахтли бўлади. Хотин-қизларни эъзозлаган, кадрлаган юртнинг эса бугуни ва эртаси шубҳасиз фаровондир!

Бугунги кунда ҳам ҳукуматимиз томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, жамиятда қадрини ва қаддини кўтариш мақсадида қатор ишлар амалга

оширилмоқда. Бу хайрли ишларнинг самарасини эса барча опа-сингилларимиз ўз ҳаётлари, умр йўллари давомида ҳис этишмоқда. Шу билан бирга кўрсатилаётган меҳр-муҳаббатни юксак баҳолаб, барча соҳаларда ўз билим ва салоҳиятларини кўрсатмоқда, жаҳон ареналарида давлатимиз байроғини янада баланд тутмоқда, ер юзидаги енг машҳур, йирик компанияларда меҳнат қилиб, ўзбекларнинг салоҳиятини намойиш қилмоқда. Айни пайтда хотин-қизларни ҳар

томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни жамиятда тутган ўрнини ошириш, турли соҳаларда фаол хизмат қилаётган олималар, зиёли аёллар ҳамда мунис опа-сингилларимизнинг кадр-қимматини юксалтириш, меҳнатларини эътироф этиш мақсадида Tashkent тиббиёт академияси Хотин-қизлар кенгаши ташаббуси билан 15 февраль - Халқаро илм-фан соҳасидаги аёллар ва кизлар кунини муносабати билан "Илмли аёл - жамият кўзгуси" мавзусида илмий семинар ўтказилди. Давлатимизда хотин-қизларга эътибор, ғамхўрлик юксак даражадалигини бугун барчамиз юрак-юракдан ҳис қиляпмиз. Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими ҳамда уларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектордаги сўзлари ўзбек аёлларини янада руҳлантирди, эр-

танги кунга ишончини яна бир бор мустаҳкамлади, десам янглишмаган бўламан. Дастлаб Тошкент тиббиёт академияси Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлари бўйича биринчи проректори, профессор турдиқул Бобомуратов Акрамович сўзга чиқиб, мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган эътибор ҳамда уларга яратилаётган шарт-шароитлар тўғрисида фикр билдирди. Семинар давомида фан докторлари, профессорлар, кафедра ўқитувчилари ва докторантлар томонидан маърузалар ўқилди. Ушбу семинар давомида академиядаги 500 нафар-



дан зиёд хотин-қизлар билан очик давра суҳбати бўлиб ўтди.

Жамиятимиз аёллар бошқаруви билан ўсиб бориши бу давлатимизнинг ривожланиши, унинг жаҳон давлатлари қаторида туришига ёрдам бермоқда. Яна шунини айтишимиз керакки, давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш - ислоҳотимизнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолаверади. Бу эса ҳар бир оилада аёлнинг ўрни, унинг ҳурмат ва мавқеини яна бир қарра оширади десак муволаза бўлмайди. Аёл борки оиламиз тинч, жамиятимиз фаровон. Аёлларни асрайлик!

Ирода МАҲКАМОВА,

Тошкент тиббиёт академияси хотин-қизлар бўйича ректор маслаҳатчиси.

АЁЛНИНГ ҚУДРАТИ—

◀**Давоми. Боши 1 – бетда**

Ёш шифокор 1974 йилдан бошлаб, 6-шаҳар болалар шифохонасида интернатура шифокори, 1985 йилдан 1991 йилгача шаҳар кўп тармоқли болалар касалхонасининг поликлиника бўлимида бўлим бошлиғи лавозимида фаолият олиб борди. Гўзал Қодированинг меҳнатсеварлигини кўрган раҳбарият 1991 йилда тажрибали мутахассисни 25-болалар поликлиникасига бош шифокор ҳамда 1997 йилда оилавий поликлиника бош шифокори лавозимига тайинланди. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2008 йилдаги 55-сонли буйруғига асосланиб 25-оилавий поликлиника 51-сонли оилавий поликлиника деб юритила бошлади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, тиббиёт муассасасини ҳар томонлама давр талаблари асосида бунёд этиш ва уни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш осон эмас эди. Албатта, бу ноёб ишларни амалга ошириш учун раҳбарнинг талабчанлиги, қаттиққўллиги, ташаббускорлиги, қолаверса, шижоати зарурлигини жуда яхши биламиз. Шундай экан, бугунги 51-сонли оилавий поликлиника ўзининг ҳозирги ҳолатига келгунча анча йўлни, тўсиқларни босиб ўтишига тўғри келди. Келинг, яхшиси бугунги замонавий кадр ростлаган 51-сонли оилавий поликлиниканинг бунёд этилиши ва унинг давр талабларига мос эканлиги тўғрисида тиббиёт муассасасининг бош шифокори Гўзал Ибрагимовнанинг фикрлари билан ўртоқлашсак.

–51-сонли оилавий поликлиникамиз (илгари 25-сонли болалар поликлиникаси) олти хонадан иборат бўлиб, бу тармоқ санитария гигиена қондаларига жавоб бермас, аҳоли тор мутахассислар, лаборатория ва текширувларга асосий поликлиникага қатнар эдилар. Бундай ҳолат аҳолининг ҳақли норозилигига сабаб бўлиб, юқори ташкилотларга мурожаат қилинди. Мурожаатлар инobatга олиниб, 1990 йилда шаҳар болалар касалхонасининг Уста ширин кўчасидаги тармоғи бир қорхонанинг бўшаган биносига кўчирилди. 1991 йилнинг 1 сентябрь куни тармоқ асосида 25-сонли болалар поликлиникасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Поликлиника бир сменада 350 катновга эга бўлди. Аҳоли сонини ортиши, хизмат доирасининг кенгайиши, янги замонавий даволаш, ташхислаш, тиббий анжомлар ўрнатилиши, тор мутахассислар учун шароитлар етишмаслиги аҳолининг тиббий хизматлари учун барча турдаги талабларни бажариш учун бу бино торлик қилиб қолди. Шунингдек, 1998 йилда катталар ва болалар поликлиникаси бирлашиб, шароит янада оғирлашди. Айтишим

жоизки, юқори ташкилотларга мурожаат қилингандан сўнг Амир Темур кўчасидаги 117 йўлда жойлашган, бинонинг биринчи қаватини 25-сонли поликлиникага ижарага бериш тўғрисида шартнома имзоланди. Бино капитал таъмирланиб, 2001 йилда поликлиника расмий равишда янги бинода иш бошлади. Президентимизнинг 2007 йилдаги давлат дастурини амалга ошириш бўйича фармони ҳамда Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг 2008 йилдаги буйруғига асосан 25-сонли поликлиника 51-сонли оилавий поликлиника деб номланди. Поликлиникамиз 2012 йилга келиб, 32 416 нафар аҳолига жумладан, 22 410 нафар катталар, 1006 нафар болаларга хизмат кўрсатиб келди. Кадрлар билан таъминлаш 100 фоизга



рилди. 2013 йилда инвестиция лойиҳаси асосида янгидан қад кўтарган 3 қаватли замонавий оилавий поликлиника куриб битказилди ва аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун топширилди. Мана қарангки, 2012 йилда поликлиникамиз ҳудудида 32 416 нафар аҳоли бўлган бўлса, бугунга келиб бу кўрсаткич 39 700 нафарга етди. Оилавий поликлиникамиз 5 бўлимдан иборат бўлиб, кўп сонли тиббиёт ходимларимиз 9 та маҳаллада истиқомат қилаётган аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келишмоқда. Маълумки, бирламчи тизимда халқ билан ишлаш, улар дардига дармон бўлиш осон эмас.

сканимиз замонавий асбоб-ускуналар, УТТ, ЭКГ асбоблари, рентген ва лаборатория аппаратлари билан таъминланган. Бунинг баробарида физиотерапия бўлимида беморлар учун, электр-уйку, дарсенваль, УВЧ, магнит ингаляция ва бошқа хизмат турлари мавжуд. Аҳолимизнинг поликлиникамиз хизматидан ниҳоятда хурсанд бўлаётганликлари бу кундузги даволаниш бўлимидаги тиббий хизматлардир. Кейинги йилларда ушбу бўлимга мурожаатлар кўпайиб бормоқда. Алоҳида таъкидламоқчиманки, Президентимизнинг соҳага оид қабул қилаётган меъёрий ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, аҳолини соғломлаштириш, скрининг текширувлардан ўтказиш, чуқурлаштирилган тиббий кўрикларни олиб бориш, шунингдек, хонадонларда бўлиб, даволашга муҳтож бўлган фуқароларга жойида ёрдам кўрсатиш ишлари кундалик фаолиятимизга айланиб қолган. Таъкидлаш жоизки, Давлатимиз томонидан халқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш учун кенг имкониятлар яратилаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Биргина ўтган йил давомида ҳудудимизда истиқомат қилаётган 96 нафар беморлар Республика миқёсидаги нуфузли клиникаларда йўлланма асосида ва бепул даволаниш имкониятига эга бўлдилар. Албатта, эл дуосига мушарраф бўлишни ўзи бўлмайди. Раҳбар сифатида айтмоқчиманки, соғлиқни сақлаш тизимида фаолият юритишнинг ўзига хос қийинчилик ва машаққатлари бўлади. Лекин, касбингизни севиб, инсонлар қалбига йўл топиб ишласангиз унданда шарафли иш бўлмайди. Ана шундай эзгулик йўлида ва касбига садоқат билан ёндашган кўп сонли тиббиёт ходимларимизнинг фидойи меҳнатлари туфайли 39 700 нафар аҳолининг дуосига мушарраф бўлиб келаёт-

Дил сўзлари

Дарҳақиқат, яхши инсон тўғрисида гапиргинг келверади. Чиройли сўзларни қоғозга туширавергинг келади. Камтарин инсон Гўзал Қодированинг жамоасида бўлганимизда шогирдлари устозлари тўғрисида чиройли фикрларни билдиришди.

“Сиз меҳнатсеварлигингиз, билимдонлигингиз, одамийлигингиз ва софдиллигингиз учун нафақат поликлиникамизда, балки бошқа давлат идораларида касбдош ва дўстларингиз орасида ҳам юксак ҳурматга сазоворсиз.

Мақоламиз қаҳрамонининг Ақидахон опалари сингилларига қуйидагича таъриф берадилар: – Фозиллардан бири, “ Яхши одамни қандай таниш мумкин? – деган экан. Шунда ёрдамчиси - учта аломат билан: толиби илмлилиги, сазийлиги ва очиқюзлилигида, - деб жавоб берган экан. Синглим Гўзалда бу уч фазилат мавжуд. Гўзал ҳеч қачон ўз устида ишлаш ва ўқишдан чарчамайди. Яхшиликка интилиб яшайди. Меҳр муҳаббатли, очиқ чехрали самимий инсон.

Яна бир яқин дугоналари Мунаввар опа ўзининг илиқ фикрларини қуйидагича изҳор этади. “ Сенга бўлган меҳрим туфайли набирамга сенинг исмингни – “Гўзал” деб қўйдим. Набирам келажак ҳаётида сенга ўхшасин ва сен каби самимий инсон бўлсин”.

Бу каби эътирофга муносиб кетма-кетликларни санаб саноғига ета олмаймиз...

етказилган. Аҳамиятлиси шундаки, поликлиникамизнинг моддий техник базаси ривожланди. Врачлар хонасига иссиқ-совуқ сувлар ўтказилди, капитал таъмирланди, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Врач ва ҳамширалар умумий амалиёт шифокори тизимида ишлашга ўтдилар. Кадрлар билан ишлаш, тарбиялаш, захира кадрлар тайёрлаш

тўғри йўлга қўйилди. Тўғриси айтганимда, фаолиятлар самарали кечсада, ўз счимини кутаётган муаммолар ҳам бўлди. “Изланганга толе ёр” деганларидек, раҳбарият ҳамда жамоамиз билан келишган ҳолда фаолиятларни изчиллик билан давом эттирдик. Бахтни қарангки, муассасамиз давлат дастурининг инвестиция лойиҳасига тушиб, янги бино бунёд этилиши режалашти-

Бир сўз билан айтганда, янги фойдаланишга топширилган поликлиникамиз маҳалла аҳолиси, мактаб ўқувчилари, ташкилотлар ва боғча болалари учун кенг қулайликлар яратди. Муассасамизда катталар, болалар, ҳомиладор аёллар ҳамда ташкилот ходимларига бир жойнинг ўзида турли хил малакали тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда. Шунингдек, шифо ма-

МАТОНАТ ВА ШИЖОАТДА



ганимиздан мамнунмиз. Эллик йил давомида фаолият юритиб келаётган бўлсам, шунинг 33 йили бирламчи тиббиёт тизмида давом этиб келяпти. Шу йиллар давомида ёнимда елкама-елка туриб, тавсия ва маслаҳатларимга амал қилиб, кези келганда талабимга жавоб берган ҳамда астойдил хизмат қилган куйидаги ходимларимнинг номларини тилга олгим келди. Жумладан, тажрибали шифокорларим Г. Шодмонова, Р. Сайфутдинова, Д. Қурбанова, М. Агзамова, З. Обидова, Г. Ибрагимова, Ф. Қосимова, Ў. Сайфутдинова, Н. Мусаева, З. Агзамова, Д. Низомова, Н. Ҳодиева ҳамда бир-биридан чаққон меҳрибон ҳамширалар З. Соипова, Ш. Раҳманова, М. Ҳоджаева, З.Агзамова, Х. Миралиева, В. Ҳолхўжаева, М. Раҳманова, Н. Нурматова, Н. Шопўлатова, Н. Шокирова, В. Турсунова, У. Кушакова, Ф. Ганиева, Ш. Раззоқова, З. Ҳайдарова, Ю. Абдуллаева, М. Камолова, М. Кўчқорова (доя) ҳамда жамоамиздаги барча ходимла-

римиз самарали ишлаб поликлиника кўрсаткичларига ижобий ҳисса қўшиб келмоқдалар. Мақсадимиз инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигига қаратилган экан, бу борадаги фаолиятларимизни янада изчиллик билан олиб борамиз, бор куч имкониятимиз ва билим ҳамда тажрибамизни ишга солиб меҳнат қиламиз.

Ҳа, узок йиллар давомида ўзининг ҳалол меҳнати билан инсонлар қалбига йўл топа олган, бемор қалбларига малҳам бўлган, касбини севиб ардоқлаган бугунги қахрамонимиз пойтахтимиздаги 51-сонли оилавий поликлиниканинг бош шифокори Гўзал Қодирова фаолиятига эътибор қаратар эканмиз, бу қалби пок оқ халат соҳибаси тўғрисида ва янада эътирофли фикрларимизни давом эттиришимиз мумкин. Гўзал Ибрагимовнанинг шогирдлари устозларининг куйидаги ўғитларига доимий амал қилиб келишмоқда: “Ёш авлодни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш ва аҳолига малакали

тиббий хизматни жон дилимиз билан бажариб, савобли ишларимиз орқали беморлар дардига малҳам бўлиш, поликлиника ходимларининг муқаддас бурчидир”.

Ўз касбининг моҳир устаси, инсонлар қалбидан чуқур ўрин олган шижоатли шифокор Гўзал опа раҳматли турмуш ўртоғи Содиқ Қодиров билан бахтли умр кечириб, тўрт нафар ўғил фарзандларни вояга етказишди. Улар бугунги кунда турли касбларда Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилиб келишмоқда. Айни дамда Гўзал Ибрагимовна 11 нафар на-

биражонларнинг суюкли буви-жонисидир.

Олий тоифали шифокор Гўзал Қодированинг кўп йиллик меҳнатлари раҳбарият томонидан муносиб тақдирланиб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочилиги кўкрак нишони, Ўзбекистон

Республикаси Мустақиллигининг 10, 15 ва 25 йиллиги ҳамда “Меҳр-саҳоват” кўкрак нишонлари ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ҳокимликлар ва бир қанча ташкилотларнинг фахрий ёрлик ва ташаккурномаларига сазовор бўлган.

Сўзларимни мухтасар қилар эканман, жамият ва оилада ўзининг ақлу заковати, метин иродаси, яратувчанлиги, ташаббускорлиги ила ҳурмат ва эътибор топаётган бугунги қахрамонимиз Гўзал Қодированинг халқимиз саломатлиги йўлида олиб борган фаолиятлариға қисқа бўлсада назар ташладик. Фурсатдан фойдаланиб, Гўзал Ибрагимовна ва аҳил жамоаларини яқинлашиб келаётган 8 март халқаро хотин-қизлар байрами билан самимий кутлаб қоламиз.

Ибодат СОАТОВА,
журналист.

ИЛМЛАР УММОНИДАГИ МАҚСАДЛИ МАНЗИЛЛАР

Халқимиз орасида ажойиб бир пурмаъно ҳикмат ибора бор: “Катта арава қайси йўлдан юрса, кичиги ҳам шу йўлдан боради”. Бу ҳаёт ҳақиқати том маънода Бухоро Давлат тиббиёт институти доценти Ойниса Олтиновна Яриевага тааллуқлидир.

Дунёга доврўғи кетган Бухорои Шарифда таваллуд топган Ойниса шаҳардаги 4-сон академик лицейда таҳсил олиб юрган кезларидаёқ ота изидан бориб, шифокор бўлишни орзу қилди. Бу холис яхши ният йўлдоши бўлиб, уни 1998-2003 йилларда Бухоро Давлат тиббиёт институтининг стоматология факультетига етаклаб келди. Бир олам кувонч ва умид билан талабалик нашидасини сурди ҳамда аъло баҳолар билан ўқишни муваффақиятли битирди. Чехрасидан нур ёғилиб турган Ойниса Олтиновнанинг билимга бўлган тирришқоклиги, изланувчанлиги, янгилликка интилувчанлигини билган устозлар унга институтда қолиб ишлашни таклиф қилишди. У устозлар сўзини икки қилмади. Иш фаолиятини шу институтда устозлар билан бир сафда бошлади. 2003-2005 йиллар давомида институтнинг ортопедик стоматология кафедрасида ортопедия мутахассислиги бўйича клиник ординатуранинг ўтади. Ойниса Яриева 2008 йилдан буён шу институтда болалар стоматология кафедрасида даставвал ассистент, бугунги кунда эса доцент лавозимида фаолият юритиб келмоқда. Ойнисанинг

орзуси отаси Бухоро Давлат тиббиёт институти кимё кафедраси профессори Олтин Яриев ва олий тоифали педагог онаси Султанои Сулаймонова сингари ёшларни ўқитиш, илм-фан нурлари билан улар зеҳнини ёритиш эди. Бу мақсад йўлида у узок изланди, кўплаб адабиётлар, айниқса, ўзгарувчан ҳаёт китобини кўп ўқиди. Фақат ўқиди эмас, унинг баъзи саҳифаларига ўзига хос қўшимчалар ҳам киритди. Зотан киши ҳаёт қозонида у билан бирга қайнамага, унинг оғир энгилени ич-ичидан хис қилмаса унга қандай янгиллик киритиши мумкин. Тақдир уни ҳаётнинг бир-бирига ўхшамас йўллариға етаклади. Маълумки, инсон танлаган касбига эришса, ўзини бахтли ҳисоблайди. Болаликдаги орзулар ушалди дея, кувонади. Севимли касбда бир умр ишлаб, обрў-эътибор қозонади. Яна шундай тоифадаги одамлар борки, улар тўхтаб қолмайдилар, улар ўз устиларига ишлаб, ҳаётдаги қадамларини қатъият билан ташлаб, ҳамиша изланишда бўладилар. Ойнисахон ана шундай инсонлар тоифасидан. У “Болаларнинг кичик ёшида кариезни эрта ташхислаш, даволашни клиник асослаш ва профилактика” мавзуда илмий тадқиқот олиб борди.

Албатта, илмий иш изланиш ва амалиётни талаб этади. Лавҳамиз қахрамони мактабгача таълим ва мактаб ёшидаги болалар ҳамда уларнинг ота-оналари ўртасида ўзи ишлаб чиққан дастур асосида сўровнома ўтказган. У бу сўровнома орқали оилавий хотиржамлик ва барқарорлик инсоннинг ҳаёти ва яшашига таъсир кўрсатиши, айниқса, ёш болаларда юз бериши мумкин бўлган рухий-эмоционал ҳолатлар оғиз бўшлиғи салошини исботлади. Яъни болаларда тиш кариесини олдини олишда тинч ҳаёт сифатлари асосий параметрлари ва оилавий муҳит даражаси инсоннинг ўйнашини илмий жиҳатдан асослади. Бу илмий хулосалар асосида Ойниса болаларда кариесни даволаш ва профилактика самарадорлигини ошириш мезонлари алгоритмининг ишлаб чиқди. Шунингдек, у илмий изланишлар асосида “Мактабгача таълим ва мактаб ёшидаги болалар орасида кариесининг тарқалишини башоратлаш алгоритми” ва “Турли ёш гуруҳлари орасидаги болаларда оғиз бўшлиғини қиёсий баҳолаш” номли услубий тавсияномалар ишлаб чиқиб, уларни амалиётга татбиқ этди. Унинг илмий мавзу йўналишидаги 30 дан ортиқ мақоласи, иккита монографияси ва қатор ўқув қўлланмалари чоп этилган. Шу мавзуда Ойниса бир қанча хорижий мамлакатлардаги нуфузли илмий конференцияларда иштирок этган. У Москвадаги Н. Пирогов номидаги тиббиёт институти, Қозоғистон Республика-



сидаги С.Асфендияров номидаги миллий тиббиёт университети, Туркия Соғлиқ билимлари университети, Италиянинг Болония шаҳридаги университетда бўлиб ўтган илмий семинар ва конференцияларда маърузалар қилган ҳамда малакасини оширган. Хориж давлатлардан олган тажрибалари ва илмий натижалар тўғрисида Бухоро Давлат тиббиёт институтида талабалар, магистрантлар, ординаторлар орасида семинарлар ва маърузалар қилган.

ДИЛЛАРДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

БУХОРО ВИЛОЯТИ

ИЛМЛАР УММОНИДАГИ МАҚСАДЛИ МАНЗИЛЛАР

◀ Давоми. Боши 5 – бетда

“Куш уясида кўрганни қилади” деганларидек, меҳри уммон, бағри кенг одамлар даврасида униб-ўсиб, вояга етган Ойниса Яриева ўзининг меҳр-муруватли, тиришқок, ҳаракатчан, уддабуронлиги билан жуда тез одамлар назарига тушди, отасининг ва устози, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Республика врачлар малакасини ошириш маркази болалар стоматологияси ва ортопедия кафедраси мудири Суннатилла Гафоровнинг дуосини олиб, асло кам бўлмади. Донишмандларнинг “Шоҳ бўлмасанг ҳам, табиб бўл” деган ҳикматли гапи бор қизим,- деган эди бир кун отаси унга насихат қилиб. У ўша пайтда шаҳардаги 4-сон академик лицейнинг 9-синф ўқувчиси эди. Замоннинг кетиши шу бўлса, унинг келажакги илм-хунарли, зукко, билимдон, ширинзабон олимлару фозиллар, табиблар кўлида бўлади. Шунинг учун қилган орзунинг ушалиши учун тинмай излан, ҳаракат қил, қизим. Бу илик сўзлар дилидаги эзгу орзуларига қанот бағишлаганди ўшанда. Катта ҳаёт мактабини босиб ўтган

Ойниса Олтиновна 2019 йилда “Болаларда тиш қарисини эрта ташхислаш, даволашни клиник асослаш ва профилактикаси” мавзусида 14.00.21 – Стоматология ихтисослиги бўйича диссертациясини муваффақиятли химоя қилиб, фалсафа фанлари доктори (PhD) даражасига эришди. Унинг раҳбарлигида 2016-2018 йилларда олти нафар клиник ординатор, 2020-2022 йилларда эса уч нафар магистрант илмий тадқиқот ишларини олиб бориб, муваффақиятли химоя қилди. Бугунги кунда олимпиа раҳбарлигида яна икки нафар талаба клиник ординатура босқичида илмий изланишлар олиб бормоқда. Ойниса Олтиновнанинг ўнлаб шогирдлари институт профессор-ўқитувчилари сафидан ўрин олишган ва ҳозирги кунда илмий фаолиятларини давом эттиришяпти.

Интиланганга толе ёр деганларидек, тиниб-тинчимас олима илмий-педагогик фаолияти билан кадрлар тайёрлаш ва илм-фан равнақига муносиб ҳисса қўшмоқда. Олиманинг болалар стоматологияси фанидан тиббиёт институтлари стоматология ва педиатрия йўналишлари тала-

балари ва магистрантлари учун “Болалар ёшида учрайдиган қарис ва ноқарис касалликлар” номли китоби мутахассисларнинг асосий қўлланмасига айланган.

Ўрни келганда айтиш жоизки, Яриева Ойниса Олтиновна 2020 йилдан кафедранинг илмий ишларига масъул этиб тайинланган. У ўқитиш сифатини янада ошириш, илм ва амалиёт интеграциясини кенгайтириш мақсадида замонавий педагогик технологияларини татбиқ қилган ҳолда дарсларни олиб боради. Қаҳрамонимиз бакалаврият талабалари билан бирга, илмий изланишларига доир 2 та монография, 40 дан ортиқ мақола ва тезислари республика ва хориж журналлари ҳамда тўпламларида нашр этилган. Бундан ташқари, олиманинг “Болаларда психоэмоционал ҳолатлар, оғрикисилантириш усуллари ва асосий стоматологик касалликлар” (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 28 мартдаги 375-сонли нашр рухсатномаси) қўлланмаси чоп этилди. Ойниса Яриева кафедрадаги ўн беш йиллик фаолияти давомида малакали мутахассис



сифатида институт ходимлари ва талабаларининг ишончини ва ҳурматини қозонган. У мунтазам равишда сиёсий ва илмий-назарий савиясини ошириш устида қатъиян ва сабр-тоқат билан ишлайди. Шунингдек, болаларни соғломлаштириш, оилада тиббий маданиятни шакллантириш, баркамол авлодни тарбиялаш борасида давлат томонидан амалга оширилаётган кенг қўламли иш-хототларнинг фаол тарғиботчиси десак адашмаймиз.

Ойниса Олтиновна оилали. Икки нафар кизнинг онаси. Қизлари Сарвиноз ва Севара

Давлатёрова бобоси ва онаси изидан боришмоқда. Улар ҳам стоматология соҳасини танлашган. Бугунги кунда улар Америка Қўшма Штатларининг Иллинойс штатидаги Иллинойс Веслеян институтида таҳсил олишмоқда. Улар келажакда албатта, стоматология соҳасининг етук мутахассислари бўлишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Гўзал ҳаёт кечираётган, бу бахтли оила соҳиб ва соҳибаларига сўхат-саломатлик тилаган ҳолда илмий ишларига муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Зукрамол НАЗАРОВА.

ҚАЛБЛАРДА МУҲРЛАНГАН КАСБ КЕЧИНМАЛАРИ

Охириги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилишга қаратилган давлат дастурлари, турли чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишининг янги тизими ташкил этилди.



"Одами эрсанг демагил одамий, Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.

Адабиёт ўқитувчимиз болалигимда Алишер Навоийнинг мана шу ҳикмати маъносини тушунтиргач, у ҳаётим шиорига айланди. Одамийлик – қомилликка интилиш. Унга эл-юртга муҳаббат, метин ирода, билим, касб-хунар эгаллаш ва сидқидил меҳнат орқасидан эришилади. Ич-ичимдан бир садо келди: "Сен шифокорликни эгаллашинг шарт!" Ўйласам, бу кўксимга бигиздай ботган кўнгилсизликлардан яралган аҳду паймон экан. Гап шундаки, ўтган асрнинг 60-70-йиллари Нанай қишлоғида шифокормас, тиббиётдан хабардор одамнинг ўзи анқонинг урдуги эди. Айниқса, тоғ шароитида яшаётган аёллар турмуши қийин кечган. Қасаллиги зўраймагунча юраверган. Ҳомиладорни Янгиқўрғонга етказгунча бола тушибди, она узилибди, деган нохушликларгача барҳам бериш истак-иштиёқи

аллақачон қалбимда илдиз отган экан.

Отам раҳматли Асқарали Насимов қароримни эшитиб, кўзлари ёшланди: "Аждодларимиз халқ дарди билан яшаб ўтганлар. Шу мақсад-муддаони ният қилган экансан, Аллоҳ ёр ва мадакор бўлсин!" дедилар. Кўзлари бежиз ёшланмаганди ўшанда. Онам Офтобхондан эшитимча, Нанай яйловларида бобом ва отамнинг кўра-кўра қўйлари, боғ-роғлари, ўзлари очган экинзорлари бўлган. Кўплаб бева-бечоралар учун шу жойларда иш ўринлари яратганлар. Ночор оилаларга қизларини турмушга узатиш, ўғилларини уйлашда, етим-есирларга бошпаналар қилиб беришда борларини аямаганлар. Дехқончиликдан кун кечириб туришганда Иккинчи жаҳон уруши бошланиб, отам фронтга кетганлар. Ғалабадан кейин оиламиз Нанайга қайтишган. 1951 йилнинг 21 апрелида мен туғилганман. Ота-онам қолхозда ишлаб, беш ўғил-қизни олий маълумотли, юрт қорига ярайдиган инсонлар қилиб қамолга етказдилар. Мен ҳам Андижон давлат тиббиёт институтини тамомлаб, 1975 йили Наманган шаҳридаги туғруқхонада интернатурани ўтаганимдан сўнг, Нанайдаги қишлоқ шифохонасига йўлландим. Ўша пайтда Нанай, Заркент, Исковотда аёллар доктори йўқ эди. Шифохонага келганларга хизмат кўрсатибгина қолмай, қизлар, туғиш ёшидаги аёлларни бир сидра кўрикдан ўтказиш учун тоғолди ҳудуддаги тарқок маҳаллаларни пиёда айланишга киришдим. Қутилмаганда бош врачимиз Раҳмонжон Соттиқулов Чотқол тоғи яйловларидаги чўпонлардан бирининг аёлидан қон кетаётгани, зудлик билан тиббий бригада масъули сифатида этиб бориб, уни сақлаб қолишимни бу-

юрди. Эмизикли болам борлигини билсалар-да, мени жўнатишга мажбур эди. Чунки бир йил олдин тоғлар ортидаги аҳолига тиббий ёрдам кўрсатгани шифокорларни олиб бораётган самолёт қаноти қояга урилиб, қулаган, ҳамма ҳалок бўлганлигини унутмаган ходимлар бош тортишган. Қолхоз масъулларидан бўлган қайнотам раҳматли Турғунбой Ҳусайнов "Қизим, узрли сабабларингиз туфайли боролмаслигингизни одамлар олдида оқлай оламан, аммо қасамёдингиз олдида, виждоним олдида оқлай олмайман. Оқ йўл, боринг, қизим" дедилар. Далдалари дадиллик ато этган бўлса-да, "Виллис"га чиқарканман, чакалогим сўрғични чўкилатганча мўлтираб қолиши юрагимни ачиштирди. Октом фельдшер Абдулла ака, Нанай акушеркаси Малика опа билан соат икки яримларда жўнадик. Қишлоқ йўли тугаб, Чотқолсой ичидан силкина-силкина уч соат юрган "Виллис" тепаликка тирмашди. Қоронги тушиб бўлган. Абдулла ака гилдиракларга тош қўя-тош қўя анча нарига бориб олди. У ёғига асбоб-анжомларни елкамизга ортганча яна бир соатларча пиёда юрдик. Тепаликда кўринган шамдон кўтарган уч отлик бизни ёнбағирлаб пастга, ўтовлари томон бошлади. Тоғдан тушиш чиқишдан қийин экан. Соат тунги ўн бирларда бемор ётган ўтовга етдик. Қирқ ёшлардаги аёл даярли хушсиз, қон босими 80 га 50! Пульсини сезиш қийин. Бойси 20 кун аввал 3 ойлик ҳомиласи тушган. Демак, йўлдош тўла кўчмаган, бачадонда қолдиқлари ва қон ивиқлари бор, оғир турдаги септик ва постгемаррогик шок ҳолат деган хулосага келдик. Абдулла акага бирдан икки томондан томирига тушиб (ўша даврдаги бўлақларга ажраладиган, қўпол резина найдан иборат) системада полиглюкин ва натрий хлоринъекциясини улашни ҳамда истима туширувчи дори дармон ва қон босимини кўтарувчи воситалар қилишини буюрдим. Ва ниҳоят, тана ҳарорати тушди, томирда пульс жонланди, қон босими кўтарилди, аёл кўзларини очди. Чироқ ёруғида зўр-

базўр "бачадон бўйни"ни топиб, қисқичга олдим ва кюретка ёрдамида йўлдош қолдиқлари, қон ивиқларидан тозаладим. Навбат ёнбош ва томирдан жўнатиладиган дори воситаларига етганда стерилланган асбоб-анжомлар қолмади. Овқат қозонни 2-3 ишқорлаб ювиб, система ва шприцларни шунда зарарсизлантириб, сўнгги муолажаларни қилдик. Яқинларига аёлни эҳтиётлаш ва парвариши юзасидан тавсиялар ёзиб бердик.

Ташқарига чиққанымизда тонг ёриша бошлаган, атрофда одамлар. Аёлни беш боласи изтиробдан қизарган илтижолу кўзларини тикиб туришибди.

– Опажон, – деди каттаси овози қалтираб, – онамизга нима бўлади?..

– Ҳеч нарса бўлмайди, узок яшайдилар, укажонларим!

Кучоқлаб олишди. Шундагина гўдагим ярқ этиб кўз ўнгимга келди-ю, қайтишга отландик.

Яна тоғма-тоғ, боғма-боғ юриб, хотин-қизларни кўриқдан ўтказишни давом эттирдим. Қанчаларига ҳомиладорликка жиддий монелик борлигини тушунтирдим. Хасталик илашган ҳомиладорларни (ажаб, докторга мурожаат хаёлларига келмаган) даволаш учун шифохонага келтирдим. Хавфли ҳомиладорлик туфайли оналар ўлимнинг олдини олиш пайдан бўлдим. "Роддом" туғиш учунгина эмас, оғироёқликда даволанишга келинадиган жой ҳам эканини тўхтамай тарғиб этдим. Аллоҳга шукурлар бўлсин, 2-3 йил ичида оналар ва болалар ўлими, ҳомиладорлик билан боғлиқ муаммолар кескин қамайди. 1980 йили Наманган тўқимачилик бирлашмаси тиббий-профилактика қисми ("Ғиштли банниса" дейишади) аёллар маслаҳатхонаси мудириликка олишди. Бу ерда Роза Косимова, Турсуно Абдуллаева, Таиса Голубечкина каби тажрибали гинеколог-акушерлардан фаол давонинг илғор усуллари, шифокорлик сирлари, одамийлик сабоқларини ўргандим. Шундай қилиб, Давлатобод туғруқхонасида мудир, аёллар маслаҳатхонаси, паталогия

ҚАЛЪЛАРДА МУҲРЛАНГАН КАСБ КЕЧИНМАЛАРИ

бўлими раҳбари бўлдим. Коронавирус пандемияси пайтида пенсия ёшидагиларни асраш мақсадида уйда қолиш, ёшларга тавсия-маслаҳатларини онлайн тарзда бериш тавсия этилди. Айни бизнинг туғруқхона ковид илашган ҳомиладорлар кўз ёрадиган ва даволанадиган марказга айлангилди. Барибир уйда қолмаслигини сезган ўғлим Ойбек опам иккимизни Нанайдаги дачага "қолдириб" келди. Мени ишда ё уйда деб ўйлаган ҳамкасбим Тошпўлат Абдукаримов телефон қилди. Санавиацияда ўзи қолгани, чакирувларга улгурмаётгани учун ковид юкмаганлар туғруқхонасидаги ҳолати оғир аёлни муолажа қилиб беришимни сўради. Мен неча-неча постлардан ўтказилмаслигим мумкинлигини билдириб, аёлга қараётган шифокорлар телефон рақамларини олдим. Қанийди бир сеҳргар бўлса-ю, ҳаёти қил устида турган номаълум синглим олдида пайдо қилиб қўйса! Шунинг устига кенжа куёвим Фаррухбек озик-овқат захираси олиб келиб қолди. Уни "Бир оғир беморни кўраману, сен билан қайтаман" дея кўндирдим. Йўл-йўлақай докторларга тавсиялар айтиб бордим. Постлардаги йигитлар ҳам инсон ҳаёти учун жон узиб гапирётганимни эшитиб, ўтказишибди. Бемордаги белгиларга кўра, бачадон жид-

дий шикастланган, уни сақлаб қолишнинг ҳамма чораларини улар бемор тепасида, мен онлайн тарзда қўлладик. Аксига олиб йўл тугамайди. Янгикўрғонга етганимда охири – бачадонни олиб ташлашни таклиф қилдим. Аёл жонини хавф остида қолдириш асло мумкин эмасди. Етиб келгач, ҳамкасбларим ҳамма жараёнларни юқори малака билан бажарганликларини, яқдиллик билан қўллаган сўнгги чорамиз инсон ҳаётини сақлаб қолишнинг ягона йўли эканига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим.

Энгил тортиб, орқа йўллар билан ўзимнинг ишхонамга келдим. Куёвимга телефонда айтдим: "Болам, ишхонамда қолдим, мандан аччиқланманглар. Сиз катта хайрли иш қилдингиз, Аллоҳ рози бўлсин!" Бош врач, шогирдларим эшик ойнаси ортидан дув-дув ёш тўкиб, ёлворибди: "Кирманг, уйга боринг, устоз!.." Ниҳоят киритишса, ковид юкиб бирор кор-хол юз берса, ҳеч кимдан даъвоим йўқлиги ҳақида тилхат ёзим. Юрагим жамоасиз тўхтаб қолишини англаган ҳамкасбларим таваскул қилиб киритдилар. Туғруқ, даволаш, операцияларигина эмас, вирусга қарши муолажаларга қизгин киришиб кетдим. Ҳар сафар ковидга қарши уст-бошларни қизлар эслатишар, кийди-

риб қўйишарди. Аммо шошилишчи вази-ятларда никоб тақишни унутганман. Бир неча кундан сўнг айни операция устида қаттиқ тобим қочди. Шогирдларимнинг қайсинисидир амалиётни давом эттириб қолди, иккиси икки қўлимдан тутиб, палатага ётқизди. Шу тариқа ковидни ҳам бошимдан ўтказдим.

Фарзандларимнинг кизгин меҳри, касбдошларим, шогирдларим кўрсатган чексиз иззат-иқроми мени ковид чангалидан халос этди. Шукурлар бўлсин, яна оналар саломатлиги, баркамол фарзандлар туғилиши учун ҳалол ва фаол хизмат қилияпман. Мендан "Шу 50 йил ичида доялик қилган қақалоқларингиз нечага етди?" деб сўрашади. Санамаганман. Бир вақтлар ўзлари туғилишида мен доялик қилган инсонларнинг бугун набиралари дунёга келишидаям кўмакда турибман..."

Шоира ЛУТФИЛЛАЕВА, олий тоифали акушер-гинеколог:

Амина Асқарова табиатан самимий, камтар, ҳалол. Касбининг ҳақиқий фидойиси. Устоз даволаниши, ё туғилишига келганлар ким бўлмасин, ўз қизини соғиниб турган онадай кутиб олади. Муносабатда ҳам ҳаммага бирдай – очик юз, хайрихоҳ, жонига малҳам. Опанинг турмуши

ўртоқлари ҳаётдан эрта кўз юмган. Бир ўғил, икки қизни, олий маълумотли, етук инсонлар қилиб камол топтирдилар. Она-миз Чотқолга кетатуриб, уйда қолдирган ўша қақалоқлари Дилафрўз бугун ўзлари каби юксак салоҳиятли аёллар доктори бўлиб етишди. Эл дуосининг ижобати-да, бу ҳам.

Маъсуда ҒАФҒОРОВА, туғруқ комплекси бош врач:

Амина Асқарова – улуғ инсон, эл назарига тушган ва жасоратли шифокор! Жамоанинг устун. 50 йилдирки Наманган аёллари саломатлиги, соғлом қақалоқлар туғилишига фидокорона хизмат қилиб келяпти. 73 ёшдаман демай, ўта интизомли. Бой тажриба, халқимиз ва касбдошлар ўртасидаги банд обрўни, она деб кўришимизни асло суиистеъмол қилмаганлар. "Мени катта деб навбатчиликдан аяманглар", дейдилар. Навбатчиликни эса ҳамма учун намунали ўтказадилар. У киши бор кун бутун мажмуа навбатчиларида хотиржамлик ҳукм суради.

Муҳаммаджон ОБИЛОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
юшмаси аъзоси.

САХАРНИЙ ДИАБЕТ: НЕ ПРИГОВОР!



Симптомы сахарного диабета могут возникнуть внезапно. При диабете 2 типа симптомы могут быть легкими, и может пройти много лет, прежде чем они станут заметными.

Типичные симптомы диабета:

- сильная жажда;
- потребность в мочеиспускании чаще обычной;
- помутнение зрения;
- повышенная утомляемость;
- непреднамеренная потеря веса.

Со временем диабет может привести к поражению кровеносных сосудов сердца, глаз и почек, а также нервной системы.

Люди, имеющие диабет, подвержены более высокому риску возникновения проблем со здоровьем, включая сердечные приступы, инсульт и почечную недостаточность. Сахарный диабет – не приговор! Недостаточность.

Есть 2 типа диабета: 1-й тип и 2-й тип.

При диабете 1-го типа (ранее — инсулинозависимый, юношеский или детский), для которого характерна недостаточная выработка инсулина, пациенту требуется ежедневное введение инсулина.

Диабет 1-го типа — это состояние, вызванное аутоиммунным повреждением инсулин-продуцирующих β-клеток островков поджелудочной железы, приводящее к эндогенному дефициту инсулина. Несмотря на достаточную изученность заболевания и наличие клинических рекомендаций по проведению заместительной терапии, количество больных с данной патологией растет по всему миру.

Диабет 2-го типа влияет на то, как организм использует сахар (глюкозу) для получения энергии. При диабете этого типа ор-

ганизм не может эффективно использовать инсулин, что в отсутствие терапии может вести к высокому уровню сахара в крови.

Более 95% диабетиков — люди с диабетом 2-го типа. Диабет 2-го типа ранее назывался инсулиннезависимым диабетом или диабетом взрослых. До недавнего времени диабет этого типа наблюдался только среди взрослых, однако в настоящее время он все чаще проявляется и у детей. Сахарный диабет 2 типа — это метаболическое заболевание, обусловленное хронической гипергликемией на фоне резистентности к инсулину и/или его недостаточностью. Инсулиновая резистентность (ИР) — это явление, связанное со снижением чувствительности клеток-мишей (КМ) к инсулину, что ведет за собой к нарушению захвата и утилизации глюкозы одноименными клетками. Компенсаторно, на сниженную восприимчивость КМ, происходит усиленная секреция инсулина в кровь поджелудочной железой, что до определенного времени помогает поддерживать нормогликемию.

Профилактика

Наиболее эффективным способом профилактики или отсрочки развития диабета 2-го типа является коррекция образа жизни.

В качестве мер профилактики диабета 2-го типа и связанных с ним осложнений рекомендуется:

- добиться здоровой массы тела и поддерживать ее;
- поддерживать физически активный образ жизни, делая не менее 30 минут в день физические упражнения умеренной интенсивности;
- придерживаться здорового питания и уменьшать потребление сахара и насыщенных жиров;
- не курить табак.

Диагноз и лечение:

На ранних этапах диагностика может проводиться при помощи относительно недорогого тестирования на определение уровня глюкозы крови. Больные диабетом типа 1 не могут жить без инъекций инсулина.

Одним из важнейших способов лечения сахарного диабета является ведение здорового образа жизни.

Некоторым больным диабетом 2-го типа необходимо принимать лекарственные пре-

параты для регулирования уровня сахара в крови. Это могут быть инъекции инсулина или другие средства. Например:

- метформин;
- сульфонилмочевины;
- ингибиторы натрий-глюкозного котранспортера 2-го типа (иНГКТ-2).

Наряду с лекарственными препаратами для снижения уровня сахара в крови люди, больные диабетом, часто нуждаются в препаратах для снижения артериального давления и статинах для снижения риска осложнений.

Для лечения последствий диабета может потребоваться дополнительная медицинская помощь:

- уход за ногами для лечения язв;
- скрининг и лечение заболеваний почек;
- скрининг на наличие ретинопатии (вызывающей слепоту).

Питание при сахарном диабете:

Основные принципы диетического питания — ограничение подслащенной пищи и запрет на голодовки. Базовое понятие диеты при сахарном диабете — это хлебная единица (ХЕ), эквивалентная 10 г углеводов. Диетологами разработаны наборы таблиц с указанием их количества на 100 грамм любого продукта. Диета для больных сахарным диабетом предусматривает ежедневный прием пищи суммарной ценностью от 12 до 24 ХЕ.

Человек, страдающий сахарным диабетом, должен питаться исходя из рекомендаций таблиц подсчета хлебных единиц.

Существует несколько рекомендаций для уменьшения уровня сахара в крови:

- уберите из рациона алкоголь, соки, лимонад;
- уменьшите количество подсластителей и сливок при употреблении чая, кофе;
- выбирайте несладкую пищу;
- замените сладости здоровой пищей, к примеру, вместо мороженого съешьте банановый десерт (взбейте миксером замороженные бананы).

Какие продукты нельзя есть

Неподходящая пища усугубит состояние диабетика, спровоцирует скачок сахара. Больному сахарным диабетом 2 типа нельзя принимать в пищу:

Сладкое. В черном списке — сахар и все изделия, содержащие его в избытке. Надо забыть о мороженом, шоколаде, мармела-



де, джеме, конфетах, варенье, халве и других сладостях.

Выпечку — под запретом сдобные хлебобулочные изделия: кексы, печенья, булочки, белый батон и хлеб.

Жиросодержащие продукты питания. Жирные блюда способны сильно поднять уровень глюкозы. По этой причине диабетикам следует отказаться от утятин, свиных, баранины, сала, майонеза, сливок. Следует также исключить сладкий йогурт, жирный творог и сыр.

Полуфабрикаты. В своем составе имеют большое количество ароматизаторов, стабилизаторов, усилителей вкуса. Не стоит кушать рыбные палочки, готовые промышленные котлеты, пельмени, сардельки, сосиски.

Трансжиры. Их употребление наносит вред не только диабетикам, но и здоровому человеку. К запрещенным продуктам относятся маргарин, кондитерский жир, спред, картошка фри, хот-доги, бургеры, воздушная кукуруза.

Фрукты. Не рекомендуется употреблять некоторые фрукты и сухофрукты. Среди них курага, финики, инжир, изюм, хурма, дыня, виноград, бананы.

Важным условием успешности диетотерапии является ведение больным дневника питания, в него вносятся вся пища, съеденная в течение дня. Ведение такого пищевого дневника позволяет в большинстве случаев выявить причину эпизодов гипо- и гипергликемии, способствует обучению пациента, помогает врачу подобрать адекватную дозу сахароснижающих препаратов или инсулинов.

Подготовила **Мадина МИРРАХИМОВА**,
ученица 11-го класса
специализированной школы имени
Абу Али ибн Сино.

ОИЛАЛАРГА БАХТ ВА ҚУВОНЧ БАХШ ЭТГАН АЁЛ

Асли Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманидан бўлган Ханифа Содиқова падари бузруквори, раҳматли Зокир Аҳмедов, онаси Инши Лезгиеванинг қўллаб-қувватлови сабаб, ўрта мактабни тугатди-ю, 1987 йилда Тошкент давлат тиббиёт институтига ўқишга кирди.

-Шифокорлик касби ша-
рафли касб, унга болаликдан
меҳр қўйганман.-дейди Респу-
блика ихтисослаштирилган
она ва бола саломатлиги ил-
мий-амалий тиббиёт мар-
кази давлат муассасасининг
Сирдарё вилоят филиали
директори, Гулистон шаҳар
кенгаши депутати Ханифа
Содиқова.

-Отам Зокир Аҳмедов 1936
йилда, онам Инши Лезгиева
1938 йилда Грузия Респуб-
ликасида туғилганлар. Тақдирни
қарангки, ҳарбий бўлганлиги
боис, Ўзбекистон Респуб-
ликасида мудофаа соҳасида
меҳнат қилдилар. Бугун улар,
орамизда бўлмаса-да, тўрт
ўғил, икки қизни вояга етказ-
дилар. Ўқитди, ўргатди, ўз
ўғиллигини топиб кетишимизга
ёрдам қилдилар. Айни вақтда
Ханифа Содиқованинг акаси
Шокир, онаси Фотима, укаси
Шавкат Россиянинг Жанкой
шаҳрида, акаси Шукур эса
Қозоғистон Республикаси-
нинг Каскелен шаҳрида, кичик
укаси Рашид Америка Қўш-
ма штатларининг Калифор-
ния штатида истиқомат қила-
ди. Улар турли соҳа эгалари.
Бири, каттагина корхона раҳ-
бари бўлса, яна бири ўқитув-
чи, бири эса ҳуқуқшунос, яна
бири тадбиркор, яна бири эса
Ханифа Содиқова сингари Қо-
зоғистон Республикасининг
Каскелен шаҳридаги каттагина
акушерлик комплексининг бош
шифокори вазифасида хизмат
қилмоқда. Тўғри, ҳаёт йўллари
ҳамма вақт ҳам тўғри, ўнқир
чўнқирлардан ҳоли бўлма-
ганидек, бундай натижалар-
га, ютуқларга эришишнинг ўзи
бўлмаган. Фаслларнинг баҳо-
ри, кузи, қиши бўлгани каби
турли қийинчиликлар, муам-

молар бўлган. Аммо, Ханифа
Содиқованинг падари бузрук-
вори Зокир Аҳмедов, ўз сўзи-
да қатъий турадиган, мард ва
қатъиятли киши бўлганликла-
ри боис, фарзандлар ва улар-
нинг келажagini ўйлаб, тур-
мушдаги барча қийинчилик ва
муаммоларни турмуш ўртоғи
Инши мома билан биргаликда
енгиб ўтди.

-Бахт ва бахтиёрлик тўғри-
сида гапирадиган, айтадиган
бўлсам, ҳар кимнинг ўз қара-
ши, ўз фикри бўлиши мумкин.
Аммо, мен учун бахт, тугилиб
ўсган гўшам, дўсти дўгона-
ларим, ога инларим, шу дара-
жага етишимга сабаб бўлган
инсонлар, қўллаб-қувватлаган
ҳар бир инсон, уларнинг менга
бўлган меҳру-муҳаббати. Улар
ва уларнинг қўллаб-қувватла-
ши сабаб шу даражага ет-
дим,-дейди у.

Унинг ўқиш йиллари ҳам
эса қолар, хотирага бой бўл-
ган. Олдинги, даволаш йўна-
лишини танлаган Ханифа
Содиқова хотин-қизлар ва улар-
нинг муаммолари билан таниш
бўлгач акушер-гинеколог соҳа-
сига меҳр қўйди. 1994 йилда
ўқишни тугатган Ханифа Со-
диқова ишни Сирдарё вилоят
шифохонаси акушер-гинеколо-
ги мутахассислигидан бошла-
ди. Касбдошлари ва уларнинг
унга нисбатан муносабати ва
ҳурмати сабаб, икки йиллик
клиник ординатури Сирдарё
вилоят шифохонасининг физи-
ология бўлими ҳамда патоло-
гия, кейинчалик доя бўлимида
ўтади. Шу орада, сирдарёлик,
айни вақтда Ўзбекистон Респу-
бликаси Давлат архитектура ва
қурилиш бошқармаси бошлиғи
ўринбосари Баҳодир Содиқов
билан танишди ва турмуш кур-

ди. Икки киз, бир ўғилни онаси
бўлди. Энг муҳими, 2007 йилда
клиник ординатури тамомла-
гач, 2008 йилда Сирдарё вилоят
Перинатал маркази 2-доя бў-
лими мудир, Гулистон шаҳар
акушерлик комплекси бош
шифокори, Сирдарё вилоят
перинатал маркази дирек-
тори вазифаларида ишлади.
Айни пайтда Республика их-
тисослаштирилган она ва бола
саломатлиги илмий-амалий
тиббиёт марказининг Сирдарё
филиали директори. Меҳнат,
тинимсиз изланиш одамни
тоблайти деб бежиз айтилма-
ган. Ханифа Содиқова, у билан
ҳарчанд гаплашмай, рус ёзув-
чиси, Николай Островский-
нинг "Пўлат қандай тоблана-
ди" повести унда тасвирланган
бош қаҳрамон Повел Корча-
гиннинг образи кўз ўнгимдан
гавдаланади. У ҳам, Повел Кор-
чагиндан фарқи ўлароқ, ҳаёт
синдварига чап бериб, яхши
ютуқларни қўлга киритди.
Муҳими, у узок йиллик, сама-
рали меҳнати давомида оналар
ва саломатлигини асраш бора-
сида қийинчилик ва муаммо-
ларга дуч келди. Аммо, бир зум
бўлса-да, изланишдан тўхтама-
ди. Бу эса ютуқларининг бош
омили бўлди. Хорижда, тибби-
ёти ривожланган мамлакатлар-
да ўз тажрибасини орттириши
баробарида акушер-гинеко-
логия соҳасида бир қанча ян-
гиликларга қўл ўрди. Оғир
асоратли, аммо мустақил туға
олмайдиган аёллар ва уларнинг
ҳаётини сақлаб қолиш мақса-
дида республикамизни бошқа
марказларида йўлга қўйилган
каби, Сирдарёда кесарча
кешиш ва бошқа шунга ўхшаш
мураккаб ва юқори технологи-
яли амалиётларни йўлга қўй-
ди. Бунинг натижасида қанча
қанча аёллар ва болалар ҳаёти
сақлаб қолинган бўлса, тур-
муш қурган, аммо бепуштли-
ги ва бошқа сабаблар билан
фарзанд кўролмаётган аёллар
ва уларнинг репродуктив тиз-
ими билан боғлиқ жароҳлик
амалиёти сабаб қанча қанча
оилаларнинг бузилиши олди
олинди.



-Биласизми, мен учун, ои-
ламдаги бўлгани каби, жамоам,
улар томонидан хотин-қизлар
ва бўлгуси оналарга кўрсати-
лаётган тиббий хизмат ва
унинг сифати муҳимроқ,-дей-
ди Ханифа Содиқова.

Ўйлаб қарайдиган бўлсан-
гиз ҳақиқатдан ҳам она ва бола
саломатлиги муҳим ва дол-
зарб, кечиктириб бўлмайдиган,
давлат даражасида муҳокама
этиладиган муҳим ва долзарб
масала ҳисобланади. Соҳа хо-
димлари, улар фаолиятини дои-
мо назорат қилиб бориш, ишни
ташқил этиш масаласи раҳбар-
дан каттагина масъулиятни та-
лаб этади. Тиниб-тинчимайди-
ган Ханифа Содиқова, бу ишга
масъулият билан ёндашиши
баробарида, жойларда ва ҳу-
дудларда эрта туғруқни олдини
олиш, хотин-қизлар саломатли-
гини мустаҳкамлаш, яқин қа-
риндошлар, улар ўртасида тузи-
ладиган никоҳ, унинг салбий
окибатлари юзасида профи-
лактик тиббий кўрик, тарғибот
тадбирларида фаол иштирок
этиб, ўз маслаҳат ва тавсияла-
рини бериб бормоқда. Бунинг
натижасида эрта туғруқ, яқин
қариндошлар ўртасида тузи-
ладиган никоҳ, ногирон бола-
лар туғилишини олдини олиш
борасида Сирдарёда сези-
ларли даражада натижаларга
эришилмоқда. Бундан ун, ун
беш йил муқаддам, ҳомиладор
аёл, у туғмоқчи бўлган бола
саломатлигини сақлаб қолиш,
туғилмаган чақалоқнинг ноги-

ронлигини аниқлаш ва таъхис
қўйишида анчагина муаммолар
бўлган бўлса, бугунги кунда,
Президент Шавкат Мирзиёев,
у кишининг соғлиқни сақлаш
тизимига бўлган эътиборла-
ри, кўрсатаётган ёрдамлари
сабаб бу борадаги муаммолар
тизимли ҳал этилмоқда. Чунки
бугунги кун тиббиёти, кеча-
ги кун тиббиёти эмас. Илгор
тажриба, замонавий техно-
логия, янги, даволаш прото-
коллари бу каби муаммоларни
олдини олишда, хотин-қизлар
саломатлигини тиклашда
ниҳоятда қўл келмоқда, - дейди
Ханифа Содиқова.

Энг муҳими, Ханифа Со-
диқова Самарқанддан Сир-
дарёга келиб бахтини то-
пди. Унинг соҳада амалга
ошираётган ишлари жавобсиз
қолмади. 2022 йилда "Меҳр-са-
ховат" кўкрак нишони билан
тақдирланган бўлса, 2021
йилда "Ўзбекистон Респуб-
ликаси Мустақиллигининг 30
йиллиги" эсдалик нишонига
сазовор бўлди. Айни вақт-
да у, репродуктив тизимида
муаммоси бор, хотин-қизлар
ва уларнинг саломатлигини
тиклаш мақсадида ўз қўл ости-
да ишлайдиган акушер-гинеко-
логлар билан биргаликда жой-
ларда, худудларда изланишлар
олиб борапти.

Ғулом ПРИМОВ,
Сирдарё вилояти
Соғлиқни сақлаш
бошқармаси матбуот котиби

БОЛАЛАРНИ УЙДА ЁЛҒИЗ ҚОЛДИРМАНГ

*Болалар одатда ҳамма нарсани синаб кўришни ҳуш
қўришади, уларга олов қизик нарса бўлиб кўринади. Агар уларга
оловнинг хавф-хатари ва оқибатлари ҳақида тушунтирилмаса,
шубҳасиз, кўнгилсиз ҳолатлар юз бериши мумкин.*

Олимлар, олов – инсонга дўст,
аммо, у назоратдан чиқса, оқибати
кўнгилсизлик билан тугайди дейишади.
Оловнинг келиб чиқишига сабаб бўлган
унсурлар-кислород, ёнувчан модда ва ён-
дирувчи манбадир. Ёнғиннинг келиб чиқи-
шига эса инсонларнинг эҳтиётсизликлари,

ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қил-
масликлари, шу жумладан, болаларнинг
шўхлиги, электр симларининг носозлиги
ва уларнинг нотўғри уланшидан содир
бўлиши табиий ҳолат. Болаларни шўх-
лиги билан боғлиқ бўлган ёнғинларнинг
келиб чиқишига асосий сабаблардан бири

ота-оналарнинг ўз фарзандларига бўлган
этиборсизлигидир. Ҳар бир ёнғин инсон
ҳаётига, уларнинг яқинлигига хавф солиши
ва қўп машаққатлар эвазига бунёд этилган
уй-жойларини, мол-мулкларини бир зумда
ёниб кетишига олиб келиши мумкин. Шу
боис, болалар билан боғлиқ ёнғин хо-
дисаларининг олдини олиш, болаларни олов
билан ўйнаши, ёнғин содир бўлишига йўл
қўймалик мақсадида олов билан боғлиқ
уй юмушларини буюрмасликка, болалар
олдида тамаки чекмаслик ва улар олди-
да оловли ишларини бажармаслик электр

розеткалар тешикларини махсус пластик
қопламалар билан беркитиб қўйиш керак.
Болаларга оддий ёнғин хавфсизлиги қон-
даларига риоя қилишлари юзасидан доим
тушунчалар бериб бориш ва ёнғин вақтида
ҳаракатланиш тартиблари бўйича машгу-
лотлар ўтказиш, уйда ёнғин содир бўлганда
болалар хона ичидан қолиб кетмасликлари,
омборча ва шкаф ичига ёки кроват тагига
беркинмасликларини тушунтириб бориш
зарур. Болаларнинг ўзбошимчалик билан
ёнғинни ўчирмасликлари ва моддий бой-
ликларни ҳаётларини хавф-хатарга қўйиб
кутқармасдан катталарни қақаришга, ёна-
ётган электр жиҳозларини сув ёрдамида
ўчирмасликка, тугаб ётган хона дезала-
рини очмасликка, дезалазарнинг очилиши

аланганини кучайишига сабаб бўлишини
ҳам алоҳида айтиш лозим.

Ёнғин содир бўлаётган хонанинг
дезазасидан арқон, мато орқали ёки
шахта қувурларидан тушмасликка,
юқори қаватда жойлашган хонанинг
ойнасидан сакрамасликлари, ёнғин
пайтида фақатгина олов билан бирга
тутун ҳам ҳаётга катта хавф туғдириши-
ни қонда сифатида тушунтириб, уларга
лоимий равишда амал қилишларини
тушунтириш муҳим.

Ихтиёр ЎКТАМОВ,
Қорасув Қароргоҳи Давлат
Резиденцияси ЁХТТЭБ ЁН ва ПБ
мутахассиси, катта сержант.



Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ISSN 2010-6149.
Электрон манзилми: www.uszsgzt.uz

Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп
этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари
чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда "
O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Zdravooxranenie
Uzbekistana" газетасидан олинди деб кўрсатилиши
шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот
ва оммавий коммуникациялар агентлигида
0015–рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев
Таҳририят манзили: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси,
30 уй, 2–қават. Тел/факс: (71)233–13–22, тел.: (71)233–57–73.
Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон
кўчаси, 41 уй/Тел/факс: (71)233–11–07.

Газета ҳажми
2 босма табоқ.
Формати А3. Офсет
усулида чоп этилган.

Адади - 690 дона.
Буюртма рақами Г-238.

Босмахонага
топирилиш вақти:
21-00. 3 4 5 6 7
Топирилди 20-00.